

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

#### ХОРИЖДА НИМА ҚИЛАСИЗ?

Адлия вазирлиги 2007 йил 20 июнда 1342-1-сон билан Давлат божхона кўмитасининг «Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қарорини рўйхатдан ўтказди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидagi ҳужжатлар пакетидида чоп этилмоқда).

Ўзгартишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида» 97-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида киритилмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ Божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли чет элларга кетаётган фуқароларнинг сони ва мақсади тўғрисидаги ахборот манбаи деб белгиланиб, у 2007 йил 1 июлдан амалга киритилиши назарда тутилган эди.

2007 йил 30 июндан кучга кирди.

#### СУГУРТА БЎЛИШИ УЧУН

Суғурталашни тартибга солиш усулларини

такомиллаштириш, суғурта фаолиятининг сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш мақсадида 2007 йил 31 майда молия вазири қуйидаги ҳужжатларни имзолади:

– «Суғурта агентлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 21 июнда 1213-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидagi ҳужжатлар пакетидида чоп этилмоқда);

– «Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 21 июнда 1517-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Улар кўрсатиб ўтилган Низомларни Президентнинг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғри-

сида» ПҚ-618-сон қарори талабларига мувофиқлаштириш зарурати билан белгиланган.

Ҳужжатлар 2007 йил 1 июлдан кучга кирди.

\*\*\*

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 25 июнда 1693-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан Мол-мулк суғуртаси ва узоқ муддатли ҳаёт суғуртасига оид суғурта муқофотлари юзасидан юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидagi ҳужжатлар пакетидида чоп этилмоқда).

Чунончи, юридик шахс (мулкдор, ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқининг субъекти) томонидан мол-мулкни суғурталаш шартномаси бўйича тўланган суғурта муқофоти суммаси, шунингдек, ўз ходимларининг ҳаётини узоқ муддатли суғурталаш шартномаси бўйича тўланган суғурта муқофотлари суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда жами даромаддан чегирилади.

Юридик шахс томонидан ўз ходими учун узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича тўланган суғурта муқофотлари суммаси жисмоний шахснинг солиққа тортилмаган даромади сифатида қаралмайди. Мустақил равишда мол-мулк суғуртаси ва ёки узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта муқофотларини тўлаган жисмоний шахслар, тўланган суғурта муқофотлари суммасини солиққа тортилмаган даромадни ҳисоблашда асосий иш жойи бўйича ёки ҳисобот йили учун яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йиллик жами даромадлар тўғрисидаги декларацияни топширишда, йиллик жами даромаддан чегириш ҳуқуқига эга.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 25-26-сон асосида 2007 йил 16 июндан 29 июнгача бўлган давр учун тайёрланди.

Низом билан шунингдек даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи қонунчилик асосида берилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда тўғри ҳисоблашни учун солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги ва солиқ органларининг назорати назарда тутилган.

Қарор 2007 йил 5 июлдан кучга кирди.

#### ҲУДУДИМИЗДАГИ ЧЕТ ЭЛ

**ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР**  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низом Давлат мулк кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Марказий банк бошқарувининг қарори билан тасдиқланди, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 июнда 1692-сон билан рўйхатдан ўтказилди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидagi ҳужжатлар пакетидида чоп этилмоқда).

Унинг амал қилиши эмиссия жараёнидан ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларга нисбатан татбиқ этилади. Низом билан шунингдек тижорат банклари акцияларини сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари, республика ҳудудида норезидентлар иштирокида қимматли қоғозларнинг олди-сотдисини амалга оширишда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўлаш ва чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сўндириш ва бошқа масалалар тартибга солинган.

Ҳужжат 2007 йил 2 июлдан кучга кирди.

#### ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 27 июндаги 869-аф-сонли буйруғига асосан "PRIDE-AUDIT" масъулияти чекланган жамиятига 2002 йил 12 декабрда берилган 00495-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 27 июнидан тугатилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 28 июндаги 870-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ "Конфиденциал ЛТД" аудиторлик фирмасига 2001 йил 30 мартда берилган 00023-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 28 июнидан тугатилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 2 июлдаги 871-аф-сонли ва 872-аф-сонли буйруқларига асосан қуйидаги аудиторлик ташкилотларининг лицензиялари амал қилиши 2007 йилнинг 2 июлидан тугатилди:

а) МЧЖ шаклидаги "AGB-AUDIT" аудиторлик фирмасига 2001 йил 4 сентябрда берилган 00184-сонли лицензия;

б) Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "DEMAND-AUDIT" аудиторлик фирмасига 2001 йил 24 сентябрда берилган 00213-сонли лицензия.

Молия вазири ўринбосари  
С.БЕКЕНОВ.

#### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 10 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1083,36	1 Малайзия ринггити	367,38
1 Англия фунт стерлинги	2549,70	1 Польша злотийси	450,55
1 Дания кронаси	231,38	1 СДР	1924,97
1 БАА дирхами	344,71	1 Туркия лираси	976,29
1 АҚШ доллари	1266,05	1 Швейцария франки	1040,65
1 Миср фунти	222,46	1 евро	1721,19
1 Исландия кронаси	20,44	10 Жанубий Корея вони	13,75
1 Канада доллари	1196,53	10 Япония иенаси	103,19
1 Хитой юани	166,61	1 Россия рубли	49,25
		1 Украина гривнаси	250,70

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.


#### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	11.07.2007	1	0,855	1	1,1746	1	0,0335
Арманистон	11.07.2007	1	339,02	1	463,3	1	13,21
Беларусь	12.07.2007	1	2145,00	1	2948,2	1	84
Грузия	12.07.2007	1	1,6675	1	2,2906	1	0,0653
Қозоғистон	12.07.2007	1	121,19	1	166,49	1	4,75
Қирғизистон	7.07.2007	1	37,9502	1	51,6009	1	1,4749
Латвия	12.07.2007	1	0,511	1	0,702804	1	0,02
Литва	12.07.2007	1	2,5117	1	3,4528	10	9,8343
Молдова	11.07.2007	1	12,1656	1	16,6006	1	0,4746
Тожикистон	12.07.2007	1	3,4389	1	4,6996	10	1,3467
Ўзбекистон	10.07.2007	1	1266,05	1	1721,19	1	49,25
Украина	11.07.2007	100	505,00	100	690,133	10	1,9682
Эстония	11.07.2007	1	11,3876	1	15,6466	1	0,445953

Манба: www.prime-tass.ru

#### АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА 2007 ЙИЛ 10 ИЮЛЬ ҲОЛАТИГА ЎЗБЕК СЎМИГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КУРСИ

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1256,00	1259,00	1722,00	1742,00
"Асака" банки	1256,00	1258,00	1722,00	1725,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"	1257,00	1260,00	1722,00	1732,00
"Пахтабанк"	1255,00	1258,00	1710,00	1715,00
Халқ банки	1257,00	1260,00	1722,00	1735,00
"Ипотека-банк"	1256,00	1258,00	1722,00	1727,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1257,00	1258,00	1697,00	1698,00
"UzKDBбанк"	1257,00	1258,00	1710,00	1730,00
"Ғаллабанк"	1256,00	1257,00	1722,00	1730,00
"Трастбанк"	1258,00	1261,0	1722,00	1732,00
"Алп Жамол банк"	1258,00	1268,00	1710,00	1724,00
"Алоқабанк"	1256,00	1259,00	1722,00	1750,00
"Ў-Т банк"	1258,00	1259,00	1733,00	1751,00
"Туронбанк"	1257,00	1260,00	1722,00	1727,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1257,00	1259,00	1722,00	1735,00
"Ипак йўли" банки	1257,00	1260,00	1708,89	1712,97
"Микрокредитбанк"	1256,00	1265,00	1708,00	1720,00
"Туркистон" банк	1257,00	1262,00	1690,00	1720,00
"Даврбанк"	1257,00	1262,00	1721,00	1740,00
"Кредит-Стандарт" банки	1257,00	1260,00	1721,50	1745,00
"Капитал банк"	1256,00	1260,00	1721,20	1747,00
"Содерат банк"	1258,00	1260,00	1676,00	1720,00
"Ҳамкор банк"	1258,00	1266,00	1700,00	1735,00
"Универсал банк"	1256,00	1265,00	1727,00	1733,00
"Парвинабанк"	1256,00	1258,00	1723,00	1726,00



### ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ СИЗНИНГ КОРХОНАНГИЗДА ЁШ ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ МЎЛЖАЛЛАНАЁТИРМИ? БУ ИШНИ ҚАЙ ЙЎСИНДА АМАЛГА ОШИРМОҚЧИСИЗЛАР?



#### • Бош бухгалтер Шахноза Раҳматуллаева:

– «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Президентимиз томонидан чиқарилган Фармон билан муфассал танишиб чиққан бўлсак-да, очигини айтганда, раҳбариятимиз ҳам, шахсан мен ҳам ҳозирча бу ҳақда ўйлаб кўрганимиз йўқ. Ҳамонки корхона барқарор ишлаб турган экан, у нафақат ёш оилаларга, балки ёши улғурок кишиларга, умуман эҳтиёжмандларнинг ҳаммасига ёрдам кўрсатиши керак деб ўйлайман. Лекин имконияти бўлсагина, корхона бу ишни қила олади. Борди-ю, ёш оилаларга кредит берадиган бўлсак, ана шу кредит бўйича фоиз ставкасини энг кам қилиб белгиланган бўлур эдик. Шуниси ҳам борки, бу масаланинг узил-кесил ҳал бўлиши барибир кўпроқ раҳбариятга боғлиқ.

#### • Бош бухгалтер Василя Валиева:

– Корхонамизда ҳозирча бундай масала кўтарилгани йўқ. Умуман олганда, ходимларимиздан биронтаси ўз оиласи учун, айтилик, турар жой сотиб олиш мақсадида кредит олмақчи бўлса, одатда раҳбариятга йўлиқди. Раҳбарларимиз бундай кезларда албатта ходимларга ёнбосадилар. Рўзгор учун керакли кир-ювиш машинаси, кондиционер ёки уяли телефон сотиб олиш учун микрокредитлар беришда муайян тажрибамиз борлиги учун ҳам шундай демокдаман: бундай ҳолатларда уларга фоизсиз кредит берамиз. Ходимларимиз ҳозирча катта миқдорда кредит олишганича йўқ.

Юртбошимизнинг ана шу Фармони жойларда қандай амалга ошириляётганлиги хусусида афсуски, аниқ гап йўқ. Бундай тажриба билан газетангиз орқали танишамиз деб умид қиламан. Шак-шубҳасиз, бу борадаги ахборот тadbиркорлар, бизнес аҳли учун ҳам қизиқарли ва фойдали бўлади. Айниқса, солиқ олиш масаласи эътиборни тортади. Бир пайтлар омонат кассалар, аниқроғи, жамғарма банклар аҳолига солиқ олинмайдиган кредитлар беради. Кейин бу нарса бекор қилинди. Ўша кезлари кўпгина одамлар ўз эҳтиёжлари учун кредитлар олиб, маошларидан маълум миқдор тўлаб бориш орқали бирон нарсали бўлиб олган эдилар. Эндиликда кредитлар бериш қай йўсинда содир этилади, улардан қанча

миқдорда фоиз олинади – ҳамма-ҳаммаси одамни қизиқтиради. Шу хусусда газетангизда бирон материал босилса, албатта раҳбариятимизга кўрсатаман.

#### • Бош бухгалтер Амина Ғофуровна:

– Савол қизиқарли, албатта. Мен, масалан, мазкур Фармон билан эълон қилинган ҳамони танишиб чиққанман. Лекин, гапнинг рости, бундай ёрдамни хўжалик ҳисобидаги ташкилотимизда қандай қилиб кўрсатиш мумкинлигини ҳозирча аниқ тасаввур эта олмаётиман. Эҳтимол, Фармон талабларига қатъий риоя этиш ва ходим иш ҳақининг кредит тўловига йўлланаётган суммасидан даромад солиғи олмаслик керакдир?

Умуман олганда, биз ёш оилаларга таътилга чиқишларида моддий ёрдам берамиз. Ташкилотимиз ҳаммаша шундай кўмак беришга тайёр, имкониятга қараб бошқа хил ёрдамдан ҳам қочмаймиз. Ходимларимизнинг аксарияти ёшлар эмасми, раҳбариятимиз уларни астойдил қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги мазкур Фармон билан кўпчилик танишиб чиққан бўлса-да, ҳозирча ҳеч ким бизга бундай ёрдам сўраб мурожаат қилмади.

Фармон вақтида чиқди: ёшлар мустақил равишда оёққа баралла туриб олишлари қийин кечаётган дамларда бундай эътибор жуда ҳам зарур эди. Энди улар мадад, қўллаб-қувватлаш салмоғини аниқ ҳис этадиган бўлдилар.

#### • Директор Саодат Ўлмасовна:

– Биз, шубҳасиз, ўз корхонамиз ходимларини қўллаб-қувватлаймиз. Аҳдими қатъий. Илғари ҳам уларга мутасил ёрдам бериб келганмиз. Эндиликда кредит олишларида яқиндан кўмак берамиз.

Корхонамизда ёш йигит-қизлар кўп-у, лекин улар ҳали турмуш қуришмаган. Шу сабабли «ёш оила» деган таъриф уларга жила тўғри келмайди. Келгусида уйланиб ёки турмушга чиқиб, ёш оила рутбасига эга бўлганларидан кейин, уларга имкони бор йўллар билан ёрдамлашишга, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Ҳар қандай оила ўнгланиб олиш, узил-кесил шаклланиш асносида кўплаб қийинчиликларга дуч келиши табиий. Айниқса, дастлабки кезларда уларга ёрдам жуда асқотади. Заруратга қараб, турган гапки, тегишли буйруқлар чиқарилади, ёш оила-

ларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган махсус жамғармалар тузилади.

Фирмамизда меҳнат жамоасининг ярни ногиронлар бўлганлиги боис биз энг аввало уларга ёрдам берамиз. 2008 йилда янги филиал очмоқчимиз. Филиалга иложи борица ёш кадрларни жалб этмоқчимиз, уларга яхши шароитлар яратиб бериш ниятидамиз. Ёшларга бериладиган имтиёзлар натижасида меҳнат жамоасида ижодий муҳит юзага келади. Бу эса иш сифатига ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Ташкилотимизга келган ёш мутахассислар, ўзларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашаётганликларини кўргач, корхонада иложи борица кўпроқ ва яхшироқ ишлашга ҳаракат қилишлари турган гап.

#### • Бош бухгалтер Саноат Кенжаева:

– Бу масалага жавоб беришим қийин. Ходимларимиз ҳеч қачон кредит сўрашмаган. Оладиган маошларига қараб ҳаракатларини қилишади улар. Биздаги маошнинг ўзи кўпгина масалаларни ҳал этиш имконини беради деб ўйлайман.

#### • Бош бухгалтер Озода Нуриддиновна:

– Саволнинг ҳам зўрини топибсизлар.

Ходимларимизга, ёш оилаларга нега ҳам ёрдам бермайлик?! Шу кунгача улардан ёрдамимизни аяганимиз йўқ. Корхонамиз балансида ётоқхона бор. Мустақил яшаш истагидаги келин-куёвларга шу ётоқхонадан муваққат жой берамиз. Бу ерда яшайдиган ходимлар коммунал хизматлар учун озроқ ҳақ тўлашади, чунки барча харажатларни асосан корхона ўз зиммасига олган. Оиласи кенгайиб, фарзандлари кўпайган ходимларимизга қўшимча хона ажратишимиз ҳам мумкин.

Лекин ходимларимизга уй-жой сотиб олиш учун кредитлар беришга ёки жой сотиб олиб беришга ҳозирча қўбимиз етмайди. Негаки корхонамиз бажарадиган ишларнинг 80 фоизидан ортиги бюджет билан боғлиқ, бюджет сметалари эса, биласиз, қатъий назорат қилиб борилади. Агар давлат жой сотиб олиш учун ходимларимизга кредитлар беришга қаратилган маблағлар аж-



ратгудек бўлса, бу маблағлар, ҳеч шубҳасиз, белгиланган мақсади бўйича йўналтирилади.

Бу масалада ходимларга кредитлар бериш механизми ҳозирча унча аниқ эмас. Мабодо корхонанинг ўзида бунга маблағ бўлмаса, нима қилсин (буюртмаларни бажаришдаги харажатларимиз жуда катта, бунинг устига буюртмалар сермеҳнат). Шу сабабли қолган «бўш пуллар»га бензин ва бошқа хил хом ашё сотиб оламиз – бундай нарсалар ҳаммаша қўл остишимизда турса ёмон бўлмайди.

Умуман олганда, ёш оилаларга бу тахлит кредитлар ажратишнинг ўзи, менимча, жуда яхши ғоя. У корхонага ёш кадрлар келиши ва ишда муқим ўрнашиб қолишига ёрдам беради. Афтидан, мазкур Фармонни амалга оширишнинг батафсил механизмлари ишлаб чиқилиши керак шекилли. Фаолиятнинг ҳар бир соҳасида, ҳар бир корхона ёки фирмада ёш мутахассисларни манфаатдор эта оладиган муайян қўшимча имкониятлар, шу жумладан, моддий рағбатлантириш воситалари бўлиши керак. Зотан тармоқнинг истиқболи ёшларга боғлиқ.


### КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

ФИРМАНГИЗ БИРОН БИР ИМТИЁЗЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНМОҚДАМИ? БУ ИМТИЁЗЛАРНИНГ  
ФАОЛИЯТИНГИЗ НАТИЖАЛАРИГА ТАЪСИРИ  
БОРМИ? ИМТИЁЗЛАРНИ ОЛИШДА ВА УЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР  
УЧРАЁТИРМИ?

Жавобларингизни 144-44-45 факси ёки [normapress@mail.ru](mailto:normapress@mail.ru) электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари ярим йиллик якунлари бўйича тахририятнинг махсус соврини билан мукофотландилар.

Келгуси муҳокамалар учун саволлар юборишни ҳам унутманг.



## СЎРАШГА ИЖОЗАТ БЕРСАНГИЗ...

Яхши анъаналар – инсониятнинг энг яхши ихтироларидан бири! Мана биз ҳам газетамиз саҳифаларида йигирма учинчи марта навбатдаги «Ҳафта саволи»ни беряпмиз. Биз илк бора 2007 йил 6 февралда «Норма маслаҳатчи»нинг 6-сонида ўқувчиларимизга савол билан мурожаат қилгандик.

Ҳурматли муштарийлар, бизга сизлардан турли саволлар битилган кўп сонли мактублар, телефон қўнғироклари, e-mail га мурожаатлар келиб тушади. Биз бу вазиятни бироз ўзгартиришга қарор қилдик. Ўз обуначиларимизни яхшироқ билиб олиш, уларнинг муаммоларини англаш, ўқувчилар нуқтаи назари билан танишишни хоҳладик.

Жами 23 та савол берилиб, 175 та жавоб олинди. Ўртача уларнинг ҳар бирига 5 тадан 9 тагача респондент жавоб қайтарган. Қуйидаги саволлар энг катта қизиқиш уйғотган:

«Шахсий рейтингингизда иш нечанчи ўринни эгаллайди? У шахсий ҳаётингизга халақит берадими? Бунга оилангиз қандай қарайди? Ишни деб нимани қурбон қилиш ва нимани қурбон қилмаслик керак?» (8-сон, 2007 йил 20 февраль) – бу 12 кишини қизиқтирган;

«Ўз ишини пухта биладиган, чўрткесар бухгалтер билан ишлаш осонми ёки танг кезлари қийинчиликни тушуниб, раҳбар айтган гапга, масалан, харажатларни камайтириб кўрсатиш вариантыга сўзсиз кўниб қўя қоладиган бухгалтер билан ишлаш осонроқми?» (23-сон, 2007 йил 5 июнь) – бу савол бўйича 13 респондент

ўз фикрини баён қилган.

Афсуски, ўқувчиларимиз орасида барча саволларимиз муҳокамасида қатнашганлари учрамади. 22 киши бир мартадан жавоб йўллашган. 4 саволга 1 киши, 5 тасига уч киши, 6 тасига 2, 7 тасига 1 киши жавоб йўллаган. Кўпчилик 2-3 марта ўз фикрлари билан ўртоқлашишган.

Биз бундай ўзига хос «мушоира»да турли касб ва лавозим эгалари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг вакиллари иштирокига умид қилгандик. Бироқ бухгалтерлар нафақат сўраш, балки жавоб қайтаришда ҳам бошқалардан фаолроқ эканликлари аён бўлди. Айнан улар жавоб қайтарганларнинг кўпчилигини ташкил қилди. Бундан ташқари, бу қаторда 7 раҳбар, 2 юрист, 1 молиячи ҳам бор. Кичик бизнес вакиллари, улар икки кишидан иборат кичик сонли гуруҳ бўлса-да, қақриғимизга жавоб қайтаргани бизни хушнуд этди. Тўрт киши исмларини ошкор этмасликни лозим топган.

Газетамиз адади ўзбек ва рус тилларида деярли 21 минг нусхадан иборат, обуначиларимиз республикамизнинг барча минтақаларида истоқомат қилдилар. Бу албатта, катта таассурот қолдиради. Бу рақамлар бизда икки

туйғуни уйғотади: биз уларга алоқадор эканлигимиздан гурурланамиз ҳамда уларнинг барчаси бу саҳифаларни варақлаётганини тасаввур қилганимизда ҳаяжон босади... Бу ишни бошлаганимизда бизда сизнинг фаоллигингизга шубҳа бўлмаган, бироқ фаоллик ортиб боришини истагандик. Дарвоқе, тажрибамиз жуда фойдали бўлди. Шу туйғуни уни давом эттирамиз. Ахир тахририятимиздагилар 21 000 кишининг қизиқишларига бепарқ қарай олмайди-да...

Биз ярим йиллик якунлари бўйича сўровимизнинг энг фаол иштирокчиларини тахририятнинг махсус совғалари билан тақдирлашга ваъда бергандик. Ваъдамизда туриб, бундай фаол иштирокчиларни айтиб ўтаемиз.

Мунозарамизнинг энг фаол иштирокчиси Галина Геннадьевна Татарисова – Санитария, гигиена ва касбий касалликлар ИТИ бош бухгалтери, 9 та саволга жавоб йўллаган. Унга қимматбаҳо совға топширилади.

Биз бир овоздан рағбатлантирувчи совринни энг ташаббускор иштирокчи – Рагида Табризовна Нурмухаметова, «EMILLA VARAKA» МЧЖ директорида беришга қарор қилдик, у 8 та жавобини газета чиқадиган кунга яқин қолганда навбатдаги савол билан бирга электрон почта орқали жўнатган.

Тақдирлаш тахририят офисида бўлиб ўтади. Биз номзодлар ўз фикрлари билан ўртоқлашишларига умид қиламиз, эҳтимол улар навбатдаги ҳафта саволини беришар. Келгуси сонда учрашгунча!

Ҳурмат ила,  
Елена КАНАЕВА.

Келиб тушган саволларга эксперт Лидия ЮГАЙ Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Эркин ГАДОЕВДАН жавоб беришни илтимос қилди.

**БРОКЕРЛИКНИ АЖРАТИБ БЕКОР ҚИЛИБСИЗ**



Ташкилотимиз (ХХТУТ 61 110 – умумий қурилиш ишлари) умум-белгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади. 2006 йилда биз брокерлик фаолияти билан ҳам шугуллана бошладик (уставда бу нарса назарда тутилган). Биз солиқ солишни ажратиш ҳисоботини туздик:

- а) профессионал-техник синаш хизматлари (ЭТЛ) – умумбелгиланган солиқлар;
- б) брокерлик фаолияти – ягона солиқ (30%) ва жамғармаларга ажратмалар.

Биз алоҳида ҳисоб юритиб тўғри қияпимизми? Агар нотўғри бўлса, мазкур ҳолда ҳисоб-китобларни қандай қилиб тўғри юритиш мумкин?

И. Богданова,  
бош бухгалтер.

– Сиз алоҳида ҳисоб юритмаслигингиз ва брокерлик фаолияти бўйича ягона солиқ тўла-маслигингиз керак эди.

Корхонангиз даромад (фойда) солиғи ва ҚҚС тўловчиси сифатида воситачилик (брокерлик) фаолияти бўйича даромадлар – солиқ солинадиган даврда амалга оширилган битимлар бўйича воситачилик ҳақи суммаси (фоизлар)ни жами даромадга (тушумга) киритиши, фойда солиғи ҳисоб-китобида эса – Харажатлар таркиби тўғрисида низом ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра, шу жумладан брокерлик фаолияти бўйича ҳам тегишли чегирмаларни амалга ошириши керак. Олинган фойда белгиланган ставка (масалан 10%) бўйича фойда солиғига тортилади. Брокерлик фаолияти бўйича ҚҚС чегирилган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси йўл жамғармаси (1%), Мактаб таълими жамғармаси (1%) ва Пенсия жамғармаси (0,7%) мажбурий ажратмаларга тортиш объекти ҳисобланади.

**УЛГУРЖИ СОТУВЧИ КОМИТЕНТ**



Хусусий корхона республикага товар импорт қилади. Уни «эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимида расмийлаштирилганидан кейин корхона товарни сотиш учун комиссия шартномаларига кўра топширади, яъни комитент сифатида майдонга чиқади. Тушунтириб берсангиз:

- комиссия шартномасига кўра комитентлик фаолияти улгуржи савдо ҳисобланадими;
- комитент улгуржи савдо билан шугулланишга лицензия олиши шартми;
- комитент-корхона қандай солиқни тўлаши шарт?

– Комитентлик фаолияти бўйича корхона савдо корхонаси ҳисобланади. Агар савдо нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича олиб борилса, улгуржи савдо ҳисобланади ва, тегишинча, корхона улгуржи савдо билан шугулланишга лицензия олиши керак.

Улгуржи савдо корхоналари 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланиб, улар солиқ солишининг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

**МАЖБУРИЙ ТАРҚАТИШ**



«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга кўра тахририятлар ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга биноан даврий босма нашрларни муассаса ва ташкилотларга тарқатишлари шарт. Нашрларни чоп этиш қоидаларига (ЎЗМАН бош директорининг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 апрелда 1561-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) кўра мажбурий бепул нусхаларни тарқатиш билан матбаа корхоналари, тахририятлар ёки нашриётлар буюртмачи томонидан белгиланган нашрнинг умумий адади ҳисобидан шугулланадилар.

1. Тахририят (буюртмачи) билан нашриёт (матбаа органи) ўртасида мажбурий бепул нусхаларни бериш далили қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

2. Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базада мажбурий бепул нусхалар қиймати текинга бериш сифатида ҳисобга олинандими?

– 1. Мажбурий нусхаларни тарқатиш буюртмаси белгиланган нашрнинг умумий адади ҳисобидан, нашрни босиб чиқаришга тайёрлаб қўйишгача, газеталар эса – ҳар бир сон чиққан кунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхат бўйича амалга оширилади. Тарқатиш билан матбаа ташкилоти шугулланади.

Мажбурий тарқатиш талаби қонун йўли билан белгиланганлиги боис, тахририят билан матбаа корхонаси ўртасида ҳужжатларни қўшимча расмийлаштириш талаб қилинмайди.

2. Бепул мажбурий тарқатиш солиқ солиш мақсадида маҳсулотни текинга бериш сифатида қаралади.

**БИРЖАГА МУКОФОТ – СИЗГА ТУШУМ**



Ягона солиқ тўловчиси бўлган брокерлик идораси кўчмас мулк биржасида тақдирлаш эвазига хизматлар кўрсатади. Шартнома-топшириқда бизнинг ҳисобрақамимизга бизга ва биржага тақдирлаш суммаларини ўтказиш назарда тутилган.

Бизнинг ҳисоб рақамимизга келиб тушадиган биржага тақдирлаш суммаси ялпи тушумга киритиландими?

Биз мижоз номига ёзилган ҳисобварақ-фактурага биржа учун тақдирлаш суммасини ҳам киритишимиз керакми?

Солиқни қайси суммадан ва қандай ставка бўйича тўлашимиз керак?

– Ҳисобрақамингизга келиб тушаётган тақдирлаш суммаси – сизнинг битимлар бўйича шартнома-топшириқни (комиссияни) бажариш чоғида олинган (олиниши керак бўлган) ялпи тушумингиздир.

Мижоз номига ҳисобварақ-фактурада ялпи тушум суммасини акс эттириши керак.

Битим суммасидан биржага ўтказиландиган воситачилик йиғимини чегирган ҳолда ялпи тушум ягона солиқ тўловига тортилади.

Қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни амалга оширувчи брокерлар 13 фоизли ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Бошқа барча брокерлар 33 фоизли ставка бўйича тақдирлаш суммасидан ягона солиқ тўловини тўлашлари керак.

• РЕКЛАМА

<p><b>НАШРИЁТИДА ҚУЙИДАГИЛАР СОТУВДА МАВЖУД:</b></p>		
<p><b>МЕХНАТ КОДЕКСИ</b> (Ўзбек ва рус тилларида) 7000 сўм.</p> <p><b>ЖИНОЯТ КОДЕКСИ</b> (Ўзбек ва рус тилларида) 8000 сўм.</p>	<p><b>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО НАЛОГАМ И СБОРАМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»</b> (II жилд) Масъул муҳаррир – Л.Югай</p> <p>1 жилди 3000 сўм.</p>	<p><b>«УЧЕТ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ»</b> Муаллифлар – Э.Гадов, Н.Хасанов, Л.Югай</p> <p>3200 сўм.</p>
<p><b>«3000 БУХГАЛТЕРСКИХ ПРОВОДОК ПО НОВОМУ ПЛАНУ СЧЕТОВ»</b> (2-жилдда) муаллиф – Ф.Фуломова</p> <p>1 жилди 5000 сўм.</p>	<p><b>«ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНГА СОЛИҚ СОЛИШ»</b> (Ер кодекси, ер кадастри) А.Латипов тахририда (Ўзбек ва рус тилларида)</p> <p>4000 сўм.</p>	<p><b>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»</b> (II-III жилд) (ЎзР Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тўлиқ берилган) Масъул муҳаррир – Х.Ортиқов</p> <p>1 жилди 4000 сўм.</p>
<p><b>СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА</b> Муаллиф – Артём Мокшин</p> <p>6000 сўм.</p>	<p><b>«УЧЕТНАЯ ПОЛИТИКА ПРЕДПРИЯТИЯ»</b> Муаллиф – Ф.Фуломова</p> <p>3200 сўм.</p>	<p><b>«КОРХОНАЛАРДА ИШ ҲАҚИ»</b> Муаллифлар – Н.Хасанов, Ш.Ҳайдаров, Л.Югай Китобда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини ёритиб берувчи масалалар кўриб чиқилган ва солиқ оқибатлари очиқ берилган (Ўзбек ва рус тилларида)</p> <p>3600 сўм.</p>
<p><b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ДОИР НИЗОМЛАР</b></p> <p>5000 сўм.</p>	<p><b>«САМОУЧИТЕЛЬ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ»</b> Муаллиф – Ф.Фуломова</p> <p>5000 сўм.</p>	

Буюртманомаларни қуйидаги манзилда расмийлаштиришингиз мумкин: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй. • Харид масалалари бўйича 144-44-29, 132-18-80 тел./факсларига мурожаат қилинг.

**УШБУ КИТОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ДУКОНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

«Yuridik adabiyotlar»,  
манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч., 35-уй (мўлжал – Тошкент давлат юридик институти), тел.: 136-73-98;  
Тошкент ш., Бобур кўч., 40А. тел.: 363-55-47

«Sharq ziyokori»,  
манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 26-уй (мўлжал – Навоий номидаги ДАБТ), тел.: 133-58-72

**ва унинг худудий филиалларида:**

- Андижон ш., А.Навоий шоҳк., 71, тел.: (374-2) 55-05-02.
- Бухоро ш., Иқбол кўч., 11, тел.: (365-2) 23-75-96.
- Самарқанд ш., Университет хиёбони 12, тел.: (366-2) 33-23-68.
- Жиззах ш., Ш.Рашидов кўч., (мўлжал – Оқбозор биноси), тел.: (372-2) 26-42-93
- Навоий ш., Ўзбекистон кўч., 11, тел.: (436-2) 23-01-30
- Қарши ш., 7-микрорайон, 9, тел.: (375-2) 27-77-00.

РАММ Навоий бўлими: Навоий ш., Павлов кўч., 6-уй, тел.: (436-2) 23-25-33.

Китоб дўконлари эгалари ва сотувчиларини ҳамкорликка таклиф қиламиз.

# ҲАММАСИНИНГ ЎЗ МУДДАТИ БОР

**Маълумки, ҳар бир шартнома ўз «муддати»га эга. Меҳнат шартномалари ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса мазкур ҳолда муддат алоҳида аҳамият касб этади. Айни қандай аҳамият эканлигини таҳлил қилиб кўрайлик.**

## СЕН КИМСАН?

Вақт аломатига кўра меҳнат шартномалари муддатли ва муддатсиз шартномаларга бўлинади. Умумий қоидага кўра, кишини ишга олиб, сиз у билан муддатсиз шартнома тузасиз. Фақат қонунда қатъий белгиланган ҳоллардагина ходим билан белгиланган вақтнинг дарҳол чеклаш мумкин. Қонун чиқарувчининг ҳисоб-китоби аён: муддатли шартнома – ходим билан хайрлашишга кўшимча вақт. Буни эса ҳар доим ҳам тўғри қилаверишмайди.

Қандай ҳолларда бундай йўл тутиш тўғри бўлишини кўриб чиқамиз. Бунда бизга Меҳнат кодексининг 75 ва 76-моддалари ёрдам беради. Хуллас, аввало шуни ойдинлаштирамиз: агар амал қилиш муддати беш йилдан ошмаса, бундай шартнома муддатли ҳисобланади. Бўлғуси ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб муддатсиз шартномани имзолаш мумкин бўлмаган ҳоллардагина уни тузиш мумкин.

## ВАРИАНТЛАР

Кодекс иш берувчининг муддатли меҳнат шартномасини тузишга бўлган ҳуқуқини чеклайди (*УЗР МКнинг 76-моддаси*). Масалан, сиз кишини вақтинча йўқ бўлган ходимнинг ўрнида ишлашга оласиз. Энг кенг тарқалган ҳол – ходимнинг туғиш декретига чиқди, иш эса кутиб турмайди. Тўғри, ёш она ишга чиқадиغان аниқ санани белгилаш анча қийин. Зеро у бундан ўз таътилининг исталган кунда қилиши мумкин. Бундай ҳолда, вақтинчалик шартнома тузиб, сиз: «шартноманинг тугаш муддати деб фалончи ходимнинг болани парвариш қилиш бўйича таътилдан чиқиш кунини ҳисоблансин», – деб ёзасиз.

Шартноманинг муддатли тусдаллигини «об-ҳавога оид» ҳодисалар ёки ишнинг хусусияти ҳам белгилаши мумкин. Масалан, сиз сай-ёҳлик фирмасининг эгасисиз ва мижозларининг асосий «оқими» ёзга, таътиллари даврига тўғри келади. Бу вақтда доимий ходимлар етишмайди, шу боис четдан кишиларни ишга жалб этасиз.

Бошқа вазиятни олайлик. Лойиҳани ярим йил мобайнида охиригача етказишингиз керак. Бироқ, афсуски, четдан ёрдам бўлмаса (майли, соф техник ёрдам бўлсин) эплай олмайсиз. Сиз ана шу олти ойга ходим оласиз.

Ватанимиздан ташқарида меҳнат қилиши керак бўлган ходимлар билан худди шундай вазиятни кузатамиз. Ёки улар сизда иш ўрганадилар. Муқобил фуқаролик хизматини ўтаётган фуқаролар эса алоҳида тоифа.

Корхона раҳбари, унинг ўринбосари, бош бухгалтер билан муддатли меҳнат шартномалари тузиш имконияти ҳам назарда тутилган.

Ёшга доир пенсионерлар, олий ўқув юртарининг талабалари ва ўриндошлар билан ана шундай муддатли шартномаларни имзолаш мумкин. Ижодий касбларнинг вакиллари ана шу қаторга киради.

Енгил бўлмайдиган ҳолатларда – фалокатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар, эпидемияларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун – қонун вақтинчалик шартномалар тузишга ҳам йўл қўяди.

Бу ҳолларнинг барчасида меҳнат шартномасини тузиш чоғида унда шартноманинг амал қилиш муддати тугашининг аниқ санасини кўрсатасиз.

## ЭВРИЛИШ

Шуни билинги, агар сиз шартномада унинг амал қилиш муддатини кўрсатишни унутган бўлсангиз, у номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади... Яна бир жиҳат. Сиз шартномани муайян муддатга имзоладингиз, бироқ

муддат тугаса ҳам ходим компаниянгиз гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилишда давом этмоқда. Бундай ҳолда шартнома ҳам муддатсиз шартномалар қаторига ўтади. Баъзан «ходим – иш берувчи» муносабатларида учинчи куч – судья аралашади. Агар у муддатли шартномани тузиш асоссиз бўлган деб ҳисобласа (*МКнинг 271-моддаси*), ушбу ҳужжатнинг вақт доираларини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Хусусан, бир хил вазифаларни бажариш учун биргина ходим билан муддатли меҳнат шартномаларини тез-тез қайта имзолаш ҳолати маъмуриятнинг «бетартиблиги» исботи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Амалда бундай муносабатлар муддатсиз ҳисобланади.

## СУД ИШЛАРИ

Компанияда ходимлар билан қанчалик яхши муносабатда бўлишмасин, норозилар доим топилади. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳар ҳолда ходимга ёнбосиши сабабли унинг суддаги низода ютиш имкониятлари анча юқоридир. Бироқ агар у ишдан кетиш тўғрисидаги аризани ёзишга уни маъмурият мажбур қилди деб туриб олса, мажбурият ҳолатини исботлаш мажбурияти ходим зиммасида бўлади. Буни исботлаш эса унчалик осон иш эмас.

Бундан ташқари, қатъий белгиланган муддат мавжуд бўлиб, унинг мобайнида ходим ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд ёки меҳнат инспекциясига мурожаат қилиши мумкин (*МКнинг 270-моддаси*). У ходимга ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ ёки меҳнат дафтарчаси берилганидан кейин бир ой ўтгач тугайди. Муддатни ўтказиш ҳолатининг ўзи аҳамиятга эга эмас – бу ҳақда айни сиз арз қилишингиз керак. Шундан сўнг ходим ўзини оқлашга ҳаракат қилаверсин.

## ВАҚТИНГИЗ ТУГАДИ

Меҳнат шартномаси муддати туганидан сўнг ишдан бўшатишда қийинчилик йўқдек кўринади: шартномада қайд этилган сана келиши билан у ўз амал қилишини тўхтатади. Бироқ, маълум бўлишича, бунда ҳам ўз нозик жиҳатлари бор. Ходимни унинг мазкур компанияда бўлиш вақти тугаётганлиги хусусида огоҳлантириш керак. Агар сиз ушбу муддатни бир ҳафта мобайнида ўтказиб юборсангиз ва меҳнатга оид муносабатларни бекор қилишни талаб қилмасангиз, шартнома муддатсиз шартномага айланади.

Агар сиз ходимни муайян ишни бажариш учун олсангиз, меҳнатга оид муносабатларингиз ушбу ишнинг ўзи тугаши билан тугайди. Янги ходим ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг мажбуриятларини бажарадиган ҳолда эса шартнома аввалги ходимнинг ишга қайтиши билан бекор қилинади (*МКнинг 105-моддаси*).

## ЭЪТИРОЗЛРСИЗ ХАЙРЛАШАМИЗ

Муддатли меҳнат шартномаси (айтмоқчи, муддатсиз шартнома ҳам), агар иккала тараф – ходим ҳам, иш берувчи ҳам – ана шундай келишувга келишса, исталган пайтда бекор қилиниши мумкин. Агар ташаббус сизнинг ходимингиздан чиқса, у сизни ишдан кетишдан икки ҳафта олдин огоҳлантириши керак. Тўғри, ана шу ўн тўрт куннинг исталган кунда ходим ҳеч қандай изоҳсиз ўз аризасини қайтариб олиши мумкин. Ҳатто агар ушбу муддатнинг охири кунда у сизга тегишли аризани почта орқали юборса, унинг ҳаракати қонуний бўлади. Унинг ўрнига бошқа кишини ёзма равишда таклиф қилиш бундай қадам учун бирдан-бир тўсиқ бўлади. Ана шу икки ҳафталик даврни қисқартириш мумкин. Биринчидан, тарафлар бу ҳақда ўзаро келишувга келишса, иккинчидан эса – агар ходим ўзининг меҳнатга оид мажбуриятларини узрли сабаблар (масалан, олий ўқув юртига ўқишга кириш ёки умр йўлдошининг ишлаш учун хорижа юборилиши) бўйича давом эттириши мумкин бўлмаса (*МКнинг 99-моддаси*).

Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича, меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам), ходимнинг хоҳишига кўра, кейин меҳнатга оид муносабатларни бекор қилган ҳолда йиллик асосий ва қўшимча таътиллари берилишини ҳам назарда тутиш мумкинлигига эътиборингизни қаратамиз. Бу ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси бўлиб таътил тугаган кун ҳисобланади.

Бу даврда ходим, агар меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қонун билан белгиланган ёки тарафларнинг келишуви бўйича кўрсатилган, огоҳлантириш муддати тугаган бўлса, ўз ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани қайтариб олишга ҳақли эмас.

Унинг муддати тугаши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда кейин меҳнатга оид муносабатлар тўхтатилган ҳолда таътил амалда ишланган вақт ва таътил вақти умумий ҳисобда шартнома муддатидан ташқарига чиққан ҳолда ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолда меҳнат шартномасининг амал қилиши таътил тугашигача узайтирилади (*МКнинг 152-моддаси*).



## Меҳнат бозори

### ҲУЖАТСИЗ ИШЧИЛАРНИ ЁЛЛАШ УЧУН ҚАТЪИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Россия президенти Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни меҳнатга жалб қилиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирувчи ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонунни имзолади.

Янги ҳужжатга кўра Кодексда РФда хорижий фуқаро ва фуқаро-

лиги бўлмаган шахсни меҳнат фаолиятига гайриқонуний жалб этиш, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни савдо объектларида (шу жумладан савдо мажмуаларида) ишлашга жалб этиш қоидаларини бузиш, хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий ташкилотлар учун белгилаб қўйилган фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишга чекловларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Бундан ташқари, юридик шахсининг, унинг филиали ёки ваколатхонасининг,

савдо объекти (шу жумладан савдо мажмуаси) бошқарувчисининг, тегишли мансабдор шахсларнинг, шунингдек, юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорларнинг жавобгарлиги жорий этилди. Энди уларга савдо, оғбор ёки бошқа хоналарда, шу жумладан ёрдамчи хоналарда гайриқонуний тарзда меҳнат фаолиятига жалб қилинган чет эллик ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга иш жойи бергани учун жарима солиниши мумкин. Иммиграция қоидаларини, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг РФда бўлиши ёки яшаши қоидаларини, уларни меҳнат фаолиятига жалб

этиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жарима миқдорлари кўпайтирилди. Бундан ташқари, юридик шахсларнинг ҳамда юридик шахсни ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг фаолиятини 90 кунгача маъмурий равишда тўхтатиб қўйиш белгиланади.

### ҲИСОБРАҚАМ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛГАН

Самарада, директори иш ҳақи даражасини ошириш комиссиясининг мажлисига келмаган ҳар қандай ташкилот ҳисобрақамсиз қолиши мумкин. Шаҳар солиқчи-

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Сурхондарё вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, бандлик даражасини ошириш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар ҳамда туманлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари негизида Бандликка кўмаклашиш маркази, 112 қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш пунктлари ташкил этилди. Барча қулайликларга эга пунктларда 126 нафар инспектор фаолият юритмоқда. Уларнинг зиммасига ишга талабдорларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил этиш, аҳоли бандлигининг самарали шакллари ривожлантириш, ёшлар, хотин-қизлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига яқиндан ёрдам кўрсатиш вазифалари юкланган.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Қодировнинг айтишича, мазкур пунктлар фаолият юрита бошлагач, аҳолини иш билан таъминлаш суръати ошган. Жорий йилнинг биринчи ярмида иш сўраб мурожаат қилган 13 минг 127 фуқаронинг қарийб 90 фоизи иш билан таъминланган. Барча пунктларга вилоят бўйича бўш иш ўринлари, вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар узлуксиз етказилмоқда.

Термиз туманидаги «Паттакесар» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш пунктида ўтказилган ўқув-семинарда шу хусусда атрофлича сўз юритилди. Унда шаҳар ва туманлардаги Бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари, жойлардаги пунктлар инспекторлари иштирок этди.

Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада 40 корхона, ташкилот ва муассаса қарийб 300 бўш иш ўрни билан қатнашди. Шу кун 50 талабгор ишга жойлашди.

– Термиз тумани қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини иқтисод йўналиши бўйича тамомланганман, – дейди ёш мутахассис Жумагул Жўраева. – Ушбу меҳнат ярмаркасида «Пахтабанк»нинг Учкизил бўлимида ўз мутахассислигим бўйича ишлаш учун йўлланма олдим. Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида яратилаётган бундан қулайликлардан миннатдоримиз.

Ўқув-семинар иштирокчилари қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш турғун пункти фаолияти билан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Уларга бандлик муаммосини ҳал этиш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёрдам кўрсатиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ў.А.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:****• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

– «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида».

**• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Оммавий коммуникациялар соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

**• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР молия вазирининг «Суғурта агентлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» буйруғи;

– ЎзР ДБКнинг «Т-6 шаклидаги боғхона декларациясини тўлдирish ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги МНМ ва Марказий банк бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиш олиниши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСКнинг «Мол-мулк суғуртаси ва узоқ муддатли ҳаёт суғуртасига оид суғурта мукофотлари юзасидан юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**• МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 9 ИЮНДАН 29 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР  
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ УЧУН ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА» 1998 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ ПФ-2086-СОНЛИ ФАРМОНИГА  
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 25-26-сон, 259-модда)

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сонли Фармонининг 6-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ихтиёрий тугатилганда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб ягона ер солиғини ҳисоблаб ёзиш тугатилади.

Ихтиёрий тугатиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти —

юридик шахс фаолиятини ихтиёрий тугатиш ва фаолиятини тиклаш тартиб-таомиллари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган тақдирда солиқ имтиёз қўлланадиган бутун давр учун тўлиқ ҳажмда олинади».

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (И.Б.Абдуллаев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 июнь  
ПФ-3886-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ  
ҚИЛИНИШИ УСТИДАН МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 25-26-сон, 265-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 ноябрдаги

555-сон қарорига мувофиқ ҳамда оммавий коммуникациялар соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб боришни такомиллаштириш

Хизматлар лицензияланган

**KAPITALBANK 132 - 07 - 03**

Бир мақсадга интилиб

Муваффақиятга эришамиз

мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 28 июнь  
132-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 28 июндаги 132-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОСМА ВА КИТОБ, ТЕЛЕРАДИО-, АУДИОВИЗУАЛ  
МАҲСУЛОТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ВА ТАРҚАТИШ СОҲАСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН  
МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон ва «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) томонидан тизимли мониторинг олиб бориш тартибини ҳамда Марказнинг вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари деб юритилади) билан ўзаро ҳамкорлик қилиши тартибини белгилайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аудиовизуал маҳсулотлар** — ахборотнинг ҳар қандай манбаларидаги аудиовизуал асарлар (кино-, теле- ва видеофильмлар, слайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа кино-, теле-видео- ва радио асарлар, фонограммалар, кўшиқлар, компьютер ўйинлари);

**Интернет тармоғининг ахборот ресурслари** — Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ахборот тизимлари таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

**китоб маҳсулотлари** — китоб, брошюра, буклет шаклида тайёрланган босма маҳсулотлар;

**оммавий коммуникациялар** — улар воситасида ахборот мунтазам равишда тарқатиладиган (матбуот, радио, телевидение орқали, кино, аудиовидео ёзув, телекоммуникация тизимлари, шу жумладан Интернет, компьютер ўйинлари) техник воситалар, шунингдек ҳар қандай бошқа воситалар;

**босма маҳсулотлар** — босма (полиграфия) усулида тайёрланган маҳсулотлар (нашрлар);

**ахборот хизматлари бозори субъекти** — Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғининг ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш, тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи юридик ва (ёки) жисмоний шахс;

**оммавий коммуникациялар соҳаси** — юридик ва

жисмоний шахсларнинг ахборот-коммуникация технологиялари (космик ва йўлдош алоқа, маълумотларни узатиш тармоқлари ва Интернет ҳамда бошқалар) қўлланилган ҳолда радио ва теледастурларни, бошқа оммавий ахборотни, компьютер ўйинларини тайёрлаш, шакллантириш, қайта ишлаш, қайта трансляция қилиш, эшитириш ва сақлаш, шунингдек ахборотнинг ҳар қандай манбаларида (аудио- ва видеокассеталар, видео-компакт-дисклар ва ҳоказолар) оммавий фойдаланиш учун даврий босма ва китоб маҳсулотлари, аудиовизуал маҳсулотлар ва фонограммаларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва сақлаш бўйича фаолияти;

**телерадиомаҳсулот** — теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларнинг алоҳида чиқарилиши.

**II. МОНИТОРИНГ ПРЕДМЕТИ**

4. Босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан риоя қилинишини ўрганиш учун мўлжалланган ва қуйидагиларни таъминлайдиган комплекс тадбирларни амалга ошириш ушбу соҳада қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан олиб бориладиган мониторинг предмети ҳисобланади:

а) қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларини тезкорлик билан аниқлаш, шу жумладан ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан:

лицензия битимлари ва давлат рўйхатига олиш шартларига риоя қилинмаслиги ҳолатларини аниқлаш, шунингдек ўз фаолиятини лицензиясиз ва давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошираётган субъектларни аниқлаш;

босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида давлат ва тармоқ стандартларига;

хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш тартибига риоя қилинмаслиги ҳолатларини аниқлаш;

б) ваколатли органларни ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар тўғрисида хабардор қилиш;

в) босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Мониторинг доимий асосда амалга оширилади.

### III. МОНИТОРИНГ ОБЪЕКТЛАРИ

6. Куйидагилар мониторинг объектлари ҳисобланади ва ўрганилиши керак:

босма нашрлар ва китоб маҳсулотлари;  
аудиовизуал маҳсулотлар;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг, телерадио студияларининг (эфир, кабель, эфир-кабель телевидениеси, радио эшиттириш) маҳсулотлари;

хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадио маҳсулотлари;

ахборот агентликлари маҳсулотлари;

Интернет тармоғининг ахборот ресурслари.

7. Мониторинг Марказ ва унинг минтақавий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

8. Мониторинг ахборот хизматлари бозори субъекти давлат рўйхатига олинган жойда амалга оширилади.

9. Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариладиган ва тарқатиладиган маҳсулотлар, шунингдек хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадио маҳсулотлари мониторинги Марказнинг марказий аппарати томонидан олиб борилади.

### IV. МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАЗОРАТ НУСХАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

10. Мониторинг олиб борилишини таъминлаш мақсадида ахборот хизматлари бозори субъектлари Марказга ёхуд унинг минтақавий бўлимларига даврий босма нашрлар, китоб ва аудиовизуал маҳсулотларнинг назорат нусхаларини бепул тақдим этадилар.

11. Тошкент шаҳридаги ахборот хизматлари бозори субъектлари назорат нусхаларини бевосита Марказга етказиб беради. Фаолиятини бошқа минтақаларда амалга оширадиган ахборот хизматлари бозори субъектлари назорат нусхаларини Марказнинг минтақавий бўлимларига етказиб берадилар.

12. Ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан назорат нусхалари Марказга ёхуд унинг минтақавий бўлимларига етказиб берилиши устидан назорат:

аудиовизуал маҳсулотлар (шу жумладан чет элдан олиб келинадиган аудиовизуал маҳсулотлар) бўйича — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (аудио маҳсулотлар импорти бўйича), «Ўзбекино» миллий агентлиги (кино-видео маҳсулотлар импорти бўйича) ва уларнинг худудий бўлинмалари томонидан;

босма ва китоб маҳсулотлари (газеталар, журналлар, китоблар, ахборотномалар, бюллетенлар ва ҳоказолар) бўйича Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва унинг худудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

### V. МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ БОСҚИЧЛАРИ

13. Мониторинг уч босқичда олиб борилади:

биринчи босқичда — ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва тарқатиладиган маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотлар тўпланади ва умумлаштирилади;

иккинчи босқичда — ахборот хизматлари бозори субъектларининг тарқатиладиган маҳсулотининг мазмуни босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилади;

учинчи босқичда — ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг аниқланган ҳолатлари бўйича Марказ сабаблари асосланган хулоса, огоҳлантириш ва тавсиялар тайёрлайди.

Хулосалар мониторинг давомида аниқланган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйган ахборот хизматлари бозори субъектларига нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўриш учун тайёрланади ҳамда давлат

ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилади.

Огоҳлантиришлар ахборот хизматлари бозори субъекти томонидан қонун ҳужжатлари бузилган ва бундан кейин қонун бузилишига йўл қўймасликка ва бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишга йўналтирилган шошилиш чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган истисно ҳолларда тайёрланади ва бевосита ахборот хизматлари бозори субъектига юборилади. Огоҳлантириш мониторинг тамом бўлгандан кейин 5 иш кунидан кечикмай юборилади. Огоҳлантириш билан бир вақтда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига юбориладиган хулоса тайёрланади.

Тавсиялар қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш бўйича таклифлар билан бирга, шунингдек оммавий коммуникациялар соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида тайёрланади ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига киритилади.

### VI. МАРКАЗНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШИ ТАРТИБИ

14. Марказ мониторинг тамом бўлгандан кейин 5 иш кунидан кечикмай хулоса ва тавсияларни уларнинг ваколатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юборади.

15. Куйидагилар ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан йўл қўйилган қонун ҳужжатлари талабларининг аниқланган бузилишлари бўйича Марказ томонидан хулосалар, огоҳлантиришлар ва тавсиялар беришнинг мақсади ҳисобланади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган ахборот хизматлари бозори субъектларига нисбатан тегишли чоралар кўриш;

шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича республика қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган ахборот тарқатилишининг олдини олиш;

Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатишнинг белгиланган тартибига юридик шахслар томонидан риоя қилиниши.

16. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Марказнинг тавсиялари ва хулосалари асосида тегишли қарорлар қабул қилади ва уларни ахборот хизматлари бозори субъектлари эътиборига етказди, шунингдек мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

17. Марказнинг тавсиялари ва хулосаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ахборот хизматлари бозори субъектлари томонидан бажарилиши устидан назорат тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

18. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қабул қилинган қарорлар, Марказ томонидан берилган тавсиялар ва хулосаларни кўриб чиқиш натижалари, шунингдек мавжуд камчиликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида Марказни тавсиялар ва хулосалар олинган кундан бошлаб 40 календарь кундан кечикмай ёзма шаклда хабардор қилади.

19. Марказ ва унинг минтақавий бўлимлари мониторинг натижалари ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар бўйича маълумотлар базасини яратадилар ва юритадилар.

### VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

20. Мониторинг олиб бориш давомида ахборот хизматлари бозори субъектларининг ҳужалик фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмайди.

**СУҒУРТА АГЕНТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
21 июнда 1213-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 25-26-сон, 272-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарорининг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 28 январдаги 19-сон буйруғи асосида тасдиқланган Суғурта агентлари тўғрисидаги низомга (2003 йил 1 февраль, рўйхат рақами 1213 — Меъёрий ҳужжатлар

ахборотномаси, 2003 й., 3-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб, ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 май  
63-сон.

**\*2007 йил 1 июлдан кучга киради.**

ЎзР молия вазирининг 2007 йил 31 майдаги 63-сон буйруғига  
ИЛОВА

**СУҒУРТА АГЕНТЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН  
ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР\*\***

1. 8 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«8. Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

суғурталашга қабул қилинаётган суғурта хатарини баҳолаш чоғида, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини амалга ошириш бўйича ва суғурталанувчи томонидан суғурта мукофоти суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда тўланишига зарур кўмак кўрсатиш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав капиталининг миқдори, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар, шунингдек унинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги тўғрисида маълумотлар олиш;

суғурталовчи томонидан тақдим этилган ваколатлар доирасида исталган суғурталаш тури бўйича, шу жумладан мажбурий суғурталаш турлари бўйича ҳам воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғурта шартномасини (суғурта полисини) тузиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

суғурталанувчининг шахсий ҳаётига аралашмасдан, суғурталовчига суғурталанувчидан қабул қилинаётган хатарлар тўғрисида тўлароқ ахборот бериш мақсадида хатар ва суғурталанувчи тўғрисида ҳамма фойдалана оладиган манбалардан маълумотлар йиғиш;

қонун ҳужжатлари ва шартнома билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

9. Суғурта агентининг мажбуриятлари:

суғурта шартномасини тузиш ва суғурта қопламини тўлаш чоғида ҳужжатларни, шунингдек суғурталашга хос бўлган бошқа ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашиш;

суғурта тарифлари, суғурталовчилар таклиф этаётган суғурталаш шартлари, лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг, суғурта резервларининг миқдори ва қабул қилинган мажбуриятлар, шунингдек унинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги тўғрисида ахборотга эга

бўлиш;

суғурта шартномасини расмийлаштириш чоғида суғурталанувчи тўғрисида имкони борича мумкин бўлган ахборотга эга бўлиш, унга суғурта хатарини пасайтириш ва суғурта ҳодисаси бошланишининг эҳтимолини камайтиришга қаратилган аниқ тадбирларни ўтказишни таклиф қилиш;

ишда қонунчилик талабларига қатъиян амал қилиш; суғурталанувчиларни, уларнинг сўровига кўра, амалдаги суғурталаш шартлари тўғрисида батафсил ва тўғри хабардор қилиш;

суғурта ҳужжатларида назарда тутилган реквизитларни батартиб ва аниқ тўлдирган, устидан ёзиш, ўчириш ва тузатишларга йўл қўймаган ҳолда суғурта шартномаларини тўғри тузиш ва уларни ўз вақтида янги муддатга қайта расмийлаштириш. Суғурталовчининг суғурта ҳужжатларини тўлдиришга нисбатан қўйган талабларини қатъиян бажариш;

белгиланган шакллар бўйича тузилган суғурта шартномалари ва олинган суғурта мукофоти суммалари ҳисобини батартиб юритиш;

суғурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш; мижознинг тижорий ёки бошқа хил сирини ташкил этадиган далилларга нисбатан махфийликни сақлаш;

суғурта шартномаси мобайнида хатар шартларининг жиддий ўзгаришларига тааллуқли бўлган ҳар қандай ахборотнинг суғурталовчи томонидан ўз вақтида олиншини таъминлаш, шунингдек суғуртага оид эътирозлар юзага келиши ва уларни тартибга солиш жараёнида суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасида ахборотни ўз вақтида ва сифатли айирбошлаш;

тегишли келишув мавжуд бўлганида суғурта тўловларини суғурталовчининг топшириғи ва ҳисобига кўра ташкил этиш;

қонун ҳужжатлари ёки шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш».

**\*\*Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**Т-6 ШАКЛИДАГИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСINI ТЎЛДИРИШ ВА  
РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
20 июнда 1342-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 25-26-сон, 270-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 97-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. 2004 йил 23 майда 1342-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган «Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш иловага

**\*2007 йил 30 июндан кучга киради.**

мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

**Давлат божхона қўмитаси раиси  
С.НОСИРОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 13 июнь  
01-02/12-13-сон.

ЎзР ДБКнинг 2007 йил 13 июндаги  
01-02/12-13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Т-6 ШАКЛИДАГИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСINI ТЎЛДИРИШ ВА  
РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН  
ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР\*\***

1. 7-бандда:  
иккинчи хатбоши «ва рақами» сўзларидан кейин «туфилган санаси (кун, ой, йил), жинси (эркак, аёл);  
тўртинчи хатбоши «(хизмат, ўқиш, иш, саёҳат, қарин-

дошларни бориб кўриш, даволаниш, доимий яшаш жойи, тижорат)» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Илованинг учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Сафардан мақсад:

Хизмат	<input type="checkbox"/>	Ўқиш	<input type="checkbox"/>	Иш	<input type="checkbox"/>	Саёҳат	<input type="checkbox"/>
Қариндошларни бориб кўриш	<input type="checkbox"/>	Даволаниш	<input type="checkbox"/>	ДЯЖ	<input type="checkbox"/>	Тижорат	<input type="checkbox"/>

**\*\*Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ,  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МУОМАЛАСИ, РЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИБ ОЛИНИШИ, ШУНИНГДЕК РЕЗИДЕНТЛАР ЧИҚАРГАН  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ НОРЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНИШИ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
22 июнда 1692-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 25-26-сон, 274-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази ва Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини му-

**\*2007 йил 2 июлдан кучга киради.**

вофиклаштириш ва назорат қилиш Маркази ва Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 27 декабрдаги 2006-16, 284-В-сонли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори бекор қилинсин.

**Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш  
ва назорат қилиш маркази**  
Бош директори  
**К.ТОЛИПОВ.**  
2007-04-сон

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси  
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**  
290-В-сон

Тошкент ш., 2007 йил 4 апрель.

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 4 апрелдаги 2007-04, 290-В-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МУОМАЛАСИ, РЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИБ ОЛИНИШИ, ШУНИНГДЕК РЕЗИДЕНТЛАР ЧИҚАРГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ НОРЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНИШИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Валюта-ни тартибга солиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартибини белгилайди.

Мазкур Низом эмиссия жараёнидан ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларга (бундан кейинги ўринларда қимматли қоғозлар деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

**§ 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар** — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатлари;

**чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи** — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг алмашишига олиб келадиган чет эл валютасидаги қимматли

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

қоғозларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда улар билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ташкilotи) (бундан кейинги ўринларда ХҚП деб юритилади)** — қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг тегишли лицензияси асосида қимматли қоғозлар битимлари бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси (инвестиция институти);

**инвестиция институти** — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган лицензия асосида ўзининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолиятини асосий фаолият сифатида амалга оширадиган юридик шахс;

**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази;

**савдолар ташкilotчиси** — қимматли қоғозлар билан биржа ва биржадан ташқари савдоларни ташкил этиш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширадиган ва Марказий депозитарий ва ХҚП билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган юридик шахс;

**хизмат кўрсатувчи банк** — чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензияга эга бўлган, ХҚП аъзолари ва мижозларининг пул маблағларининг ҳисобини юритиш ва сақлашга мўлжалланган ХҚПнинг чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузган ваколатли банк;

**савдолар ташкilotчисининг қоидалари** — қимматли қоғозларни муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш қоидаларини, қимматли қоғозларнинг котиров-

ка нархларини белгилаш, савдолар ташкилотчиси томонидан қатнашчиларни савдода иштирок этишларига рухсат бериш тартибини, ахборотларни ошкор қилиш тартибини ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳужжатларни ўз ичига олувчи савдолар ташкилотчиси томонидан тасдиқланган қимматли қоғозлар билан савдо қилиш қоидалари.

## **§ 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МУОМАЛАСИ**

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг муомаласига Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

3. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

4. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг мажбурий реквизитлари рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

5. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш учун олинадиган йиғим қонун ҳужжатларида миллий валютада чиқариладиган қимматли қоғозлар учун белгиланган тартибда эмитентлар томонидан эмиссия номинал қийматининг 0,1 фоизи миқдорида тўланади.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни чиқаришни рўйхатга олишга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш учун олинадиган йиғим қонун ҳужжатларида миллий валютада чиқариладиган қимматли қоғозлар учун белгиланган тартибда эмитентлар томонидан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида тўланади.

6. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг номинал қиймати чет эл валютасида яхлит ўлчамларда кўрсатилади.

7. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар эмитентлар томонидан фақат нақдсиз шаклда чиқарилади.

8. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сақлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва чет эл валютасидаги қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлаш, шунингдек чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар зиммасига юкланган мажбуриятларни ва бундай юкларни тугатиш ҳолатлари ҳисоби Марказий депозитарийда амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг муомаласи ва уларни жойлаштириш, шу жумладан уларни Марказий депозитарийда ҳисобга қўйиш фақат қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида уларни чиқариш давлат рўйхатига олингандан сўнг амалга оширилади.

10. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари бозорларида муомалада бўлиши мумкин.

11. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси бўйича бирламчи бозордаги битишувлари биржа бозорларида каби биржадан ташқари бозорларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

12. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси бўйича иккиламчи бозордаги битишувлари фақат биржа ва ташкиллаштирилган биржадан ташқари бозорларда амалга оширилади.

Эгасининг алмашишига олиб келадиган чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан боғлиқ бошқа операциялар биржадан ташқари бозорда амалга оширили-

ши мумкин ва улар қонун ҳужжатларида миллий валютада муомалага чиқаралаётган қимматли қоғозлар учун белгиланган тартибда ва муддатларда албатта инвестицион институтда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

13. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар олди-сотди битишувлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозларни чет эл валютасида тўлаш ҳолатларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

## **§ 3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТЛАРИ ЧИҚАРИЛГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ НОРЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНИШИ**

14. Қимматли қоғозларни чиқариш шартлари норезидентларга ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилишни тақиқламаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқаришга йўл қўйилган ҳар қандай қимматли қоғозларни норезидент хорижий валютада сотиб олиши мумкин.

15. Норезидент томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида миллий валютадаги қимматли қоғозлар сотилиши учун белгиланган тартибда сотилиши мумкин.

Норезидентлар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозларни резидентларга сотиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

16. Норезидентлар томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш учун пул маблағларини депонентга қўйиш тартиби, шунингдек тўлов муддатлари ХҚП ва савдолар ташкилотчиларининг қоидалари билан белгиланади.

17. Ташкиллаштирилган биржа бозорларида резидентлар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар норезидент томонидан сотиб олинаётган ёки сотилаётганда, унинг томонидан ваколат қилинган инвестиция институти топшириқ (комиссия) шартномасига асосан, савдода қимматли қоғозларни сотиб олади ёки сотади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган битишув тўғрисида норезидентга ҳисобот беради.

Резидентлар чиқарилган қимматли қоғозларни ташкиллаштирилган биржадан ташқари бозорда сотиб олинаётганда ёки сотилаётганда, норезидент битишувни худди шу тартибда ёки мустақил амалга ошириши мумкин.

18. Норезидентнинг «депо» ҳисобварағига келиб тушган қимматли қоғозлар ҳисоби норезидент билан белгиланган шаклда шартнома тузилган депозитарийда юритилади.

19. Норезидентлар томонидан давлат активларини акция кўринишида сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат мулки кўмитаси томонидан белгиланади.

20. Норезидент томонидан акция кўринишида сотиб олинган давлат активлари Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорларида депозитарийларнинг фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Депозитар ҳисоб ва ҳисоботининг ягона қоидаларида (стандартларида) (1999 йил 1 декабрь, рўйхат рақами 844) ва қимматли қоғозлар бозорларида депозитарийлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, норезидентнинг депозитарийдаги «депо» ҳисобрақамига ўтказилади.

## **§ 4. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

21. Мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган шах-

слар томонидан банк-резидентлар акцияларини сотиб олиш бўйича битишувлар фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсати олинганидан сўнг амалга оширилади.

22. Ўзбекистон Республикаси банк-резидентлари акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги шахслар (бундан кейинги ўринларда оловчи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари — юридик шахслари.

23. Оловчиларнинг маблағларини тасарруф этувчилари (ишончли вакиллари) бўлиб ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шунингдек, оловчилар учун банк-резидентларнинг акцияларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсатини олишлари шарт.

24. Оффшор зоналарда рўйхатга олинган оловчилар — юридик шахслар банклар-резидентлар акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсатномасини олиш учун банк-резидентнинг акцияларини сотиб олиш учун рухсатнома бериш тўғрисида ариза тақдим этилади.

Аризада оловчилар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёхуд жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

жойлашган жой (почта манзили) ёхуд турар жойи;

рўйхатга олиниш санаси, жойи ва рўйхатга олган орган кўрсатилган ҳолда юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми ёхуд жисмоний шахснинг фуқаролиги (табаалиги); акциялар миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда оловчининг банк-резидент устав капиталидаги мўлжалланаётган иштирокининг миқдори.

26. Оловчи — юридик шахс томонидан банк-резидент акциялари сотиб олинаётганда мазкур аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) оловчининг нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхалари;

б) норезидент-оловчининг ваколатли органининг унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банк устав капиталидаги иштироки тўғрисидаги қарори нусхаси;

в) норезидент-оловчи юридик шахснинг рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (ёки ундан кўчирма) нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) оловчи фаолиятининг аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган ўтган уч йиллик баланслари;

д) агар норезидент-оловчининг мамлакати қонунлари талаб қилса, норезидент-оловчи жойлашган мамлакат назорат органининг унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банк капиталида иштирок этишига розилигини тасдиқловчи ҳужжат;

е) норезидент-оловчининг тўловга лаёқатлиги тўғрисида биринчи даражали чет эл банки томонидан берилган тасдиғи;

ж) оловчининг таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар:

юридик шахслар учун — фирма номи, рўйхатга олинган сана ва жойи, оловчининг устав фондидаги (капиталидаги) иштирок этаётган улуши;

жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи (тўлиқ манзили), охириги икки йил учун ишбилармонлик ёки профессионал фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, оловчининг устав фондидаги (капиталидаги) иштирок этаётган улуши;

з) оловчи устав фондидаги иштирокчилар (устав фондининг камида 1 фоизига эгалик қилувчилар) тўғрисида уларнинг жойлашган жойи ва фаолият йўналишларининг қисқача мазмуни кўрсатилган маълумотлар.

27. Оловчи — жисмоний шахс томонидан банк-резидент акциялари сотиб олинаётганда, аризага унинг тўловга лаёқатлигини (устав капиталидаги ўз улушини тўлашга лаёқатлиги) тасдиқловчи биринчи даражали чет эл банки томонидан берилган тасдиғи, шунингдек жисмоний шахснинг ушбу маблағларининг қонунийлиги тўғрисидаги хорижий давлат ваколатли органининг маълумотномаси илова қилинади.

28. Мазкур Низом мақсадларида биринчи даражали хорижий банк бўлиб IBCA, Moody's ёки Standard & Poor's классификацияси бўйича қисқа муддатли мажбуриятларига AA, prime-1 дан паст бўлмаган рейтинги берилган хорижий банк тан олинади.

29. Банк-резидент акциялари оловчи номидан иштирок этаётган номинал сақловчи ёки бошқа шахс томонидан сотиб олинаётганда, аризада ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар ва материалларда оловчи тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилиши шарт.

30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарор қабул қилиниши учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни оловчилар ва бошқа шахслардан талаб қилишга ва олишга ҳақлидир.

31. Банк-резидентнинг акцияларини сотиб олиш учун рухсатнома бериш тўғрисида ариза ва унга илова қилинган материаллар ва ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ариза келиб тушган санадан бошлаб ўттиз кундан ошмаслиги керак. Аризани кўриб чиқиш муддатидан кечиктирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аризачини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

32. Банк-резидент акцияларини сотиб олиш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ёзма равишда берилади.

33. Мазкур Низом ва қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда банк-резидент акцияларини сотиб олган оловчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ банк акциядорлари реестрига киритилади.

## § 5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### ҲУДУДИДА НОРЕЗИДЕНТЛАР

#### ИШТИРОКИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ОЛДИ-СОТДИСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

34. Ташкиллаштирилган бозорларда чет эл валютасида тузиладиган қимматли қоғозлар олди-сотди битишувлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда чет эл валютасидаги ХҚПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

35. Ўзбекистон Республикасининг ташкиллаштирилган бозорларида норезидентлар, шунингдек хорижий ҳисобварақларидан фойдаланган резидентлар томонидан қимматли қоғозлар билан тузиладиган битишувлари бўйича пул маблағларининг ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ХҚП иштирокида амалга оширилади.

36. Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни норезидентлар томонидан харид қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу битишувлар инвестиция институтлари томонидан рўйхатга олинганидан сўнггина амалга оширилади.

37. Норезидент томонидан харид қилинган қимматли қоғозлар тўлиқ қийматининг тўлов муддатлари миллий валютадаги қимматли қоғозлар бўйича битишувлар учун

қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

38. Қимматли қоғозларни ташкиллаштирилган бозорда тузилган битишувлар натижалари бўйича акциялар шаклидаги давлат активларини норезидентларга сотишдан тушган чет эл валютасидаги пул маблағлари хизмат кўрсатувчи банк томонидан, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўлалигича сотиш мажбурияти билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисобварағига ўтказилади.

39. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан жойлаштирилган чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар олди-сотди битишувлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ХҚПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисобварағи орқали миллий валютада нақд пулсиз шаклда, шунингдек агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, чет эл валютасида ҳам амалга оширилади.

#### **§ 6. ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БЎЙИЧА ДАРОМАДЛАРНИ ТЎЛАШ, ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ СЎНДИРИШ**

40. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар бўйича барча даромадлар тўлов кунига, агар уларни чиқариш шартларида бошқача шартлар белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

41. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сўндириш, қиймати миллий валютада ифодаланган қимматли қоғозлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент эмиссия рисоласида (чиқариш анкетасида) қимматли қоғозларни сўндириш (сотиб олиш) валютасини кўрсатиши лозим.

43. Норезидентларнинг қимматли қоғозларни сотишдан тушган миллий валютадаги маблағлари зарурият бўлганда, чет эл банкларининг «лоро» вакиллик ҳисобварақларига миллий валютада киритилиши, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдалани-

лиши, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ҳам.

#### **§ 7. ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ВА ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ**

44. Инвестиция институтлари ва савдолар ташкилотчилари чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар операциялари бўйича миллий валютадаги битишувлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида хронологик ҳисобни юритадилар, улар бўйича қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишга доир ваколатли давлат органига маълумотлар тақдим этадилар.

45. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар эмитенти қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ҳисоботларни қимматли қоғозларни миллий валютада чиқарадиган эмитентлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этади.

46. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар эмитенти ахборотларни ошкор этилишини, қимматли қоғозларни миллий валютада чиқарган эмитентлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади, ва ошкор этилиши лозим бўлган маълумотларни инглиз тилида, шунингдек эмитентнинг хоҳишига кўра ҳар қандай бошқа чет тилида қўшимча равишда республика матбуотида чоп этишга ҳақлидир.

#### **§ 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

47. Норезидентлар иштирокидаги битишувларни, шу жумладан, муддатида тўлови амалга оширилмаган битишувларни бекор қилиш ва уларни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

48. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари мазкур Низом талабларига риоя этмаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

49. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу Низом талабларига риоя қилинмаганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ*

### **МОЛ-МУЛК СУҒУРТАСИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАЁТ СУҒУРТАСИГА ОИД СУҒУРТА МУКОФОТЛАРИ ЮЗАСИДАН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИ ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
25 июнда 1693-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.*

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 25-26-сон, 275-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-618-сонли қарорига мувофиқ қарор қиламиз:

**Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.**  
59-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси  
Б.ПАРПИЕВ.**  
2007-37

*Тошкент ш., 2007 йил 24 май.*

**\*2007 йил 5 июлдан кучга киради.**

**МОЛ-МУЛК СУҒУРТАСИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАЁТ СУҒУРТАСИГА ОИД  
СУҒУРТА МУКОФОТЛАРИ ЮЗАСИДАН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАД (ФОЙДА)  
СОЛИҒИ ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА  
ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-618-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 158-модда) мувофиқ мол-мулк суғуртаси ва узоқ муддатли ҳаёт суғуртасига оид суғурта мукофотлари бўйича солиқ имтиёзларини бериш тартибини белгилайди.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низомда фойдаланиладиган тушунчалар:

**«суғурта мукофоти»** — суғурта шартномасида белгиланган муддат ва тартибда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи;

**«мол-мулк суғуртаси шартномаси»** — суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурта қилдирувчининг бошқа мулкрий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

**«узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси шартномаси»** — суғурта шартномаси бўлиб, унга мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

**«суғура полиси»** — суғурта шартномасининг имзоланганлигини ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчининг суғурта қопламасини тўлаш бўйича мажбуриятининг кучга кирганлигини тасдиқловчи ва суғурта мукофоти тўлангандан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига бериладиган ҳужжат (шаҳодатнома, сертификат, квитанция).

2. Юқорида кўрсатилган қарор асосида белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи асос бўлиб суғурта полиси ҳисобланади.

**II. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАД  
(ФОЙДА) СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ**

3. Юридик шахс (мулкдор, хўжалик юритиш ёки опе-

ратив бошқариш ҳуқуқининг субъекти) томонидан мол-мулкни суғурталаш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофоти суммаси, шунингдек, ўз ходимларининг ҳаётини узоқ муддатли суғурталаш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофотлари суммаси жами даромаддан чегирилади.

4. Юридик шахс томонидан (ходимлар категориясига кирмайдиган) бошқа шахсларнинг ҳаётини узоқ муддатли суғурталаш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофотлари суммаси, даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда жами даромаддан чегирилмайди.

**III. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ  
ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА  
ИМТИЁЗЛАР  
БЕРИШ**

5. Юридик шахс томонидан ўз ходими учун узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича тўланган суғурта мукофотлари суммаси, жисмоний шахснинг солиққа тортиладиган даромади сифатида қаралмайди.

6. Мустақил равишда мол-мулк суғуртаси ва/ёки узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотларини тўлаган жисмоний шахслар, тўланган суғурта мукофотлари суммасини солиққа тортиладиган даромадни ҳисоблашда асосий иш жойи бўйича ёки ҳисобот йили учун яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йиллик жами даромадлар тўғрисидаги декларацияни топширишда, йиллик жами даромаддан чегириш ҳуқуқига эга.

7. Мол-мулк суғуртаси ва/ёки узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси шартномаси муддатидан олдин бекор бўлганда ва суғурталовчи томонидан суғурта мукофотининг жами суммаси ёки бир қисми суғурта қилдирувчига қайтарилганда, агар суғурта қилдирувчига аввал ушбу Низомга мувофиқ имтиёзлар берилган бўлса, суғурталовчи суғурта мукофотини солиққа тортиладиган даромадга киритиш мақсадида суғурта қилдирувчи (юридик ёки жисмоний шахс) рўйхатга олинган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига қайтарилган суғурта мукофоти ҳажми тўғрисида хабар беради.

**IV. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ  
ЖАВОБГАРЛИГИ ВА СОЛИҚ  
ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ**

8. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини қонунчилик асосида берилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда тўғри ҳисобланиши бўйича жавобгардирлар.

9. Солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланилишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:  
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ  
НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА  
2007 ЙИЛ 9 ИЮНДАН 29 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

**I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:**

1. «Адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 июндаги 60, 20-26-02, 2007-28-сонли қарори.*

**2007 йил 11 июнда 1330-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 21 июндан кучга киради).**

2. «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 27 апрелдаги 47, 21, 2007-29, 01-02/8-11-сонли қарори.*

**2007 йил 11 июнда 1688-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 21 июндан кучга киради).**

3. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2007 йил 2 майдаги 46-сонли буйруғи.*

**2007 йил 14 июнда 1626-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 июндан кучга киради).**

4. «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 14 июндаги 112-мх-сонли буйруғи.*

**2007 йил 14 июнда 1689-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 июндан кучга киради).**

5. «Касаба уюшмалари органларининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун йўналтирилган маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 15 майдаги 56, М-23, 2007-14, 287-В-сонли қарори.*

**2007 йил 14 июнда 1690-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 июндан кучга киради).**

6. «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2007 йил 18 июндаги 17, 12/ҚҚ-сонли қарори.*

**2007 йил 18 июнда 1691-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июндан кучга киради).**

7. «Шартномаларни мустақил экспертиза қилувчи ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиб боровчи консалтинг фирмаларини аккредитация қилиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва*

*сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 21 майдаги 246-сонли буйруғи.*

**2007 йил 19 июнда 481-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 июндан кучга киради).**

8. «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 21 майдаги 245-сонли буйруғи.*

**2007 йил 20 июнда 1472-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 июндан кучга киради).**

9. «Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 13 июндаги 01-02/12-13-сонли қарори.*

**2007 йил 20 июнда 1342-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 июндан кучга киради).**

10. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 апрелдаги «1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларнинг фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида» *ги Фармониға мувофиқ пул мукофотларини тўлаш тартибини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Халқ банкнинг 2007 йил 8 июндаги 67, 292-В, М-29, 76, 6, 11, 01-05/9-сонли қарори.*

**2007 йил 21 июнда 137-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 июлдан кучга киради).**

11. «Суғурта агентлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 31 майдаги 63-сонли буйруғи.*

**2007 йил 21 июнда 1213-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 июлдан кучга киради).**

12. «Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 31 майдаги 64-сонли буйруғи.*

**2007 йил 21 июнда 1517-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 июлдан кучга киради).**

